

**СУД МУХОКАМАСИННИГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ  
ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР**

*Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари -жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати раиси  
Абдураимов Фаррух Сойибжонович*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Жиноят процессида суд муҳокамасининг тушунчаси ва вазифаларига доир илмий ёндошувларга доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада суд муҳокамасининг тушунчасига доир соҳа олимлари томонидан берилган фикирлар таҳлил этилган. Суд муҳокамасининг тушунчаси мушоҳада қилинган ҳамда хорижий ривожланган давлатларнинг тажрибаси таҳлил қилиниб, тегишили қонунчиликни тақомиллаштириши юзасидан тақлифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Айб, босқичлар, жазо, жиноят иши, жавобгарлик, суд, муҳокама, ҳақиқатни аниқлаш, суд мажлиси, жараён, назорат функцияси, ташкилий функцияси, тарафлар.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы, связанные с научными подходами к понятию и функциям судебного контроля в уголовном судопроизводстве. В статье также анализируются взгляды ученых в данной области на концепцию судебного контроля. Рассматривается понятие судебного контроля, анализируется опыт зарубежных развитых стран, вносятся предложения по совершенствованию соответствующего законодательства.

**Ключевые слова:** Вина, стадии, наказание, уголовное дело, ответственность, суд, обсуждение, установление истины, судебное заседание, процесс, контрольная функция, организационная функция, стороны.

*Annotation. The article examines issues related to scientific approaches to the*

*concept and functions of judicial review in criminal proceedings. The article also analyzes the views of scientists in this field on the concept of judicial review. The concept of judicial review is considered, the experience of foreign developed countries is analyzed, and proposals are made to improve the relevant legislation.*

**Keywords:** Guilt, stages, punishment, criminal case, liability, court, discussion, truth-finding, court session, process, control function, organizational function, parties.

Жиноят процессининг босқичлари орасида асосий ўринни суд муҳокамаси ташкил этади. Чунки, айнан жиноят ишлари суд муҳокамасида ўз ечимини топади. Мантиқан олиб қараганда, суд муҳокамаси моҳияттан суд мажлиси орқали амалга оширилади. Суд муҳокамасида жиноят ишини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессида суд мажлисининг тайёрлов қисми, суд тергови ҳамда тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охирги сўзи каби тўрт босқичдан иборат. Ушбу ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар биргаликда суд муҳокамасида жиноят ишини кўриб чиқиши ташкил этади.

Суд муҳокамасида жиноят ишини кўриб чиқиши жиноят процессининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Зоро, айнан ушбу босқичда жиноят иши мазмунан ҳал этилиб, шахснинг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги масала ўз ечимини топади.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида эътироф этилганидек, “суд муҳокамаси – жиноят процессуал ҳукуқи бўйича суд жараёнининг бир босқичи ҳисобланади. Суд муҳокамасининг умумий тартиблари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 50-бобида баён этилган”<sup>1</sup>.

Шу соҳага оид илмий манбаларда бу ҳақда айрим фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, З.Ф.Иноғомжонова таъкидлаганидек, “Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий босқичи ҳисобланади. Бу

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошк.; масъул мухаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 420.

босқичда жиноят процессининг асосоий вазифалари юзасидан бир тўхтамга келинади, яъни суд жиноят ишини мазмунан кўриб, ўз ҳукмида шахсни айбдор ёки айбдор эмаслиги, ушбу қилмиши учун жазолаш ёки жазоламаслик масаласини узил-кесил ҳал қиласди”<sup>2</sup>.

А.В.Смирновнинг фикрича, “Суд муҳокамаси – суд мажлиси шаклида амалга ошириладиган жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал қилишдир. Ишни мазмунан кўриш – айланувчининг жиноий жавобгарлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишдир”<sup>3</sup>.

Бир гурӯҳ муаллифлар эса, “Суд муҳокамаси – суд муҳокамаси иштирокчилари фаолияти ва хуқуқий муносабатларида намоён бўладиган ҳамда судланувчининг айбли деб топиш бўйича фактик ва юридик асослар бор ёки йўқлигини аниқлаш ва унга нисбатан жиноий жазо чорасини қўллаш бўйича суднинг ҳал қилувчи вазифасини кўзда тутадиган жиноят процессида суд иш юритувининг асосий ва ҳал қилувчи босқичидир”, деган фикри илгари сурошган<sup>4</sup>.

О.В.Лебедова эса, “Суд муҳокамаси – биринчи инстанция судлари мажлисида тарафлар иштирокида судланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал қилишга ва жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга қонунда кўзда тутилган жиноий жазо тайинлашга ёки айбсиз кишини оқлаб, шу орқали одил судловни амалга оширишга қаратилган жиноят процессининг босқичи”<sup>5</sup>, деб ҳисоблайди.

Суд мажлиси жиноят-процессуал қонунчилик билан белгиланган қатъий тартибда амалга ошириладиган суд процессининг босқичи бўлиб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: а) иш ҳолатларини тўлиқ ва ҳар томонлама

---

2 Жиноят процесси. Махсус қисм. Муаллифлар жамоаси / проф. З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 131.

3 Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. А.В. Смирнова. – СПб: Питер, 2004. – 492 с.

4 Толеубекова Б.Х., Капсалямов К.Ж. и др. Учебник уголовно-процессуальное право РК. Часть особенная-1,2.

Алматы, 2000. – С. 232.

5 Лебедова О.В. Шпаргалка по уголовно-процессуальному праву: учеб. пособие. – М.: ТК Велби, 2005. – С.25.

ўрганилишини, юридик нормалар тўғри қўлланилиши ва адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлайди; б) тарафларни суд муҳокамасида фаол иштирок этишини таъминлайди; в) суд муҳокамасида жиноят-процессуал қонунчилик принципларига қатъий амал қилинишини, тарафлар манфаатлари ҳимоя қилинишини кўзда тутади; г) жиноят иши юритуви бўйича аниқлик ва жамоатчилик иштирокини белгилайди; д) барча суд тизимида турли талабларни бир хил процессуал тартибда қўлланилишини таъминлайди.

Жиноят процесси назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу босқичга алоҳида аҳамият қаратилишининг боисларидан бири ушбу босқичда айбланувчи судланувчи мақомидан ва ундан келиб чиқувчи кенг доирадаги жиноят-процессуал лаёқат мазмунидан англашиловчи ҳуқуқлар мажмуидан фойдаланишга ҳақли бўлади. Ушбу босқичда у икки асосий вазифа бажарилади: 1) назорат функцияси (судгача иш юритиш босқичига нисбатан); 2) ташкилий функция (ишни мазмунан кўриб чиқиш)<sup>6</sup>.

Фикримизча эса, суд мажлиси суд муҳокамасининг Жиноят-процессуал кодекс билан белгиланган процессуал шакли бўлиб ҳисобланади. Зеро, юридик адабиётларда таъкидланганидек, “жиноят-процессуал шакл – бу давлат фаолиятининг жиноят ишлари бўйича иш юритишни ҳукукий тартибга солиш мақсадида қонун билан тартибга солинган ўзига хос ҳукукий шакли ҳисобланади”<sup>7</sup>.

Ф.М.Мухитдинов таъбири билан айтганда эса, “процессуал шакл – жиноят процессуал хужжатлар қонунийлиги ва асослилигининг, суд репрессияси аниқлигининг, жиноят процессининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти юкори даражада таъминланишининг, жиноят ишларининг суд муҳокамасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлалигича муҳофаза этилишининг муҳим кафолатидир”<sup>7</sup>. Айни дамда суд муҳокамаси

---

6 Дикарев И. Признание доказательств недопустимыми по инициативе суда // Законность. – 2007. – №3.

7 Мухитдинов Ф.М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии: Автореф. дисс. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 2005.; Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. Монография. – Тошкент, 2002. – 320 б.

ушбу шаклсиз мавжуд бўла олмайди. Шу боис ҳам адабиётларда ушбу икки процессуал тушунчаларнинг ўзаро чамбарчас алоқасини қайд этган ҳолда суд муҳокамаси суд мажлисида юз беради ёхуд суд мажлиси суд муҳокамасини ўтказиш учун мўлжалланган бўлади, деган фикрлар билдирилган. Шу билан бирга назаримизда, ушбу тушунчалар бир-биридан маълум жиҳатлари билан фарқланади. Авваламбор, улар мазмун (суд муҳокамаси) ва шакл (суд мажлиси) нисбатида бўлади. Аниқ жиноят иши муҳокамаси бир эмас, бир неча муҳокамаларда амалга оширилиши мумкин (иш муҳокамаси кейинга қолдирилган ҳолларда). Шунингдек, суд мажлиси нафақат жиноят ишини муҳокама қилиш учун, балки бошқа процессуал масалаларни ҳал қилиш, масалан суд харажатлари билан боғлиқ масалалар, жарима солиш ёки унинг миқдорини камайтириш ва ҳ.к. юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 320-моддасида жиноят иши мазмунан кўриб чиқиладиган суд мажлисига нисбатан “бош суд мажлиси” тушунчаси қўлланилган. Яъни, қозоғистонлик қонун чиқарувчилар суд мажлиси жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишидан ташқари кўпгина процессуал масалалар юзасидан ўтказилиши мумкинлигидан келиб чиқкан ҳолда, жиноят иши мазмунан кўриб чиқиладиган суд мажлисининг мақомини аниқлаштириб, унга “бош суд мажлиси” хуқуқий мақомини берадилар.

Адабиётларда таъкидлаганганидек, “жиноят процесси босқичи – бу жиноят иш юритувининг умумий вазифаларидан келиб чиқувчи аниқ вазифалари, иштирокчилар доирасининг хусусиятлари ва муддатлари, жиноят процессуал фаолиятнинг ва уларнинг жиноят процессуал ҳужжатларини расмийлаштирувчи хуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари билан тавсифланувчи жиноят процессининг нисбатан мустақил қисми бўлиб, ҳар бир босқичнинг мустақиллиги нисбий бўлиб, бу уларнинг ўзаро бир бири билан узвий боғлиқлиги ва биргаликда яхлит бир тизимни ташкил этиши билан изоҳланади”<sup>8</sup>.

---

<sup>8</sup> Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, [www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

Суд муҳокамаси ҳам жиноят процессининг юқоридаги белгиларга ўзига хос вазифалари, иштирокчилари доираси, муддатлари ва процессуал тартиби каби хусусиятларга эга бўлган босқичи ҳисобланади.

Жиноят ишини мазмунан ҳал қилишда кўриб чиқиладиган масалалар суд муҳокамасида ҳал қилинади. Айрим ҳолларда уларнинг суд муҳокамасидан ташқарида ҳал қилиниши хусусида таклифлар берилган. Жумладан, юридик адабиётларда дастлабки эшитувни жорий қилиш масаласида таклифлар илгари сурилган<sup>9</sup>. Назаримизда, ушбу масалада ҳозирда шаклланган миллий анъанавий жиноятпроцессуал шакл ниҳоятда тўғри. Зотан, мазмунан кўришда дастлабки эшитув тартибининг жорий қилиниши суднинг олдиндан айблилик масаласига аралашишига олиб келади.

Жиноят ишларининг суд муҳокамаси ўзида бир қатор функцияларни мужассам этади: жиноят содир этилиши натижасида зарар кўрган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш; шахсларни асоссиз ва далил-исботсиз айбланишдан ҳимоя қилиш.

Жиноят иши бўйича суд муҳокамаси қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида амалга оширилади: жиноят содир этилганлиги фактини ва уни айнан судланувчи содир этганлигини исботлаш; содир этилган қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларида кўзда тутилган жиноят сифатида квалификация қилиш; судланувчининг айбини аниқлаш; судланувчига нисбатан жазо тайинлаш; жавобгарлик ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлаш; фуқаровий даъво, мол-мулкни мусодара қилиш, судланувчини маҳсус унвондан маҳрум қилиш, судланувчини ақли норасолигини аниқлаш, унга нисбатан тиббий йўсингидаги мажбурлов чораларини қўллаш ва ҳ.к.

Жиноят иши бўйича суд муҳокамаси бир-бири билан узвий боғлиқ, бироқ амалда мустақил бўлган ривожланиш босқичларидан иборат. Суд ўзига хос

---

2005. // Allpravo.Ru - 2005.

9 Сыроватская Л.Н. Предварительное слушание в российском уголовном судопроизводстве: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Майкоп, 2005. – 182 с.; Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005 // Allpravo.Ru. 2005.

хусусиятларга эга бўлган бир неча босқичлардан ташкил топган. Ҳар бир босқичда жиноят процессининг асосий мақсади билан боғлиқ бўлган муайян мақсадларга эришилади.

Жиноят иши бўйича суд муҳокамаси жиноят процессининг ҳал қилувчи босқичи бўлиб, унинг натижасида хукм (айлов ёки оқлов) чиқарилади ҳамда унда кўрсатувларнинг, иш бўйича далилларнинг нақадар тўғри тақдим этилиши судланувчи, жиноят содир этиш натижасида жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг келгусидаги тақдирига таъсир кўрсатади<sup>10</sup>.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича одил судлов жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишдан қамрови жихатидан кенгрок бўлиб, ўз ичига жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишдан бошқа процессуал функцияларни ҳам қамраб олади. “Суд муҳокамасида жиноят ишини кўриб чиқиши - жиноят иши юзасидан якуний қарорга келиши, судланувчининг айбли ёки айбсизлигини аниқлаш, унга нисбатан жазо тайинлаш ёки жазодан (жавобгарликдан) озод қилиши ва бошқа иши мазмунига тааллукли масалаларни ҳал этишига қаратилган суд жараёнини қамраб олувчи жиноят процессининг алоҳида босқичи тушунилади”, деган хулосага келишимиз мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 420.
2. Жиноят процесси. Махсус қисм. Муаллифлар жамоаси / проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 131.
3. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для

---

10 Терехова Л.А. Постановление суда первой инстанции, разрешающие дело по существу // Вестник Омского университета. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2005. – № 2(3). – С. 97.

[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

15-to'plam 1-son yanvar 2025

вузов / Под общ. ред. А.В. Смирнова. – СПб: Питер, 2004. – 492 с.

4. Толеубекова Б.Х., Капсалямов К.Ж. и др. Учебник уголовно-процессуальное право РК. Часть особенная-1,2.

Алматы, 2000. – С. 232.

5. Лебедова О.В. Шпаргалка по уголовно-процессуальному праву: учеб. пособие. – М.: ТК Велби, 2005. – С.25.

6. Дикарев И. Признание доказательств недопустимыми по инициативе суда // Законность. – 2007. – №3.

7. Мухитдинов Ф.М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии: Автореф. дисс. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 2005.; Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. Монография. – Тошкент, 2002. – 320 б.

8. Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005. // Allpravo.Ru - 2005.

9. Сыроватская Л.Н. Предварительное слушание в российском уголовном судопроизводстве: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Майкоп, 2005. – 182 с.; Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005 // Allpravo.Ru. 2005.

10. Терехова Л.А. Постановление суда первой инстанции, разрешающие дело по существу // Вестник Омского университета. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2005. – № 2(3). – С. 97.